

OzbeKiston ovozi

Шу азиз Ватан — барчамизники

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIIY GAZETASI □ 2000 YIL 10 OKTABR SESHANBA № 118 (26.668)

«ЖАХОН ДАВЛАТЛАРИ КАЛЕНДАРЛАРИ» ЮРТИМИЗДА

Календарлар нашр қилиш, ўзига хос ранг-баранг маданий турлардан биридир. «OISKA — international» (Япония) ва Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил қилинган ва Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида намойиш этилаётган «Жаҳон давлатлари календарлари» кўргазмасида Бразилиядан Малайзиягача, Беларусдан Непалгача бўлган 40 дан ортиқ давлатларнинг 100 га яқин календарлари ўрин олган. Тошшабинлар «Киев Софийси» терма нақшлари, Леонардо да Винчининг «Сидли оқшом» деворий сурати, Ўзбекистон расомлари санъати ва бошқа жаҳон маданияти дурдоналари билан танишадилар.

Кўргазмада деворий ва стол календарлари, қимматбахшо полиграфия наشريлари ҳамда иш календар-плакатлар томошабинларга тақдим этилади.

■ Абдуғани СОДИҚОВ

Мен Президентимизнинг диний экстремистик оқимларга қўшилиб қолган ёшларни авф этиш тўғрисидаги фармони билан, фарзандларим шундай гуруҳларга кириб қолган ота-оналарининг ойнаси жаҳон орқали чиқишларини кўриб, бир кекса бахши сифатида қўлимга қалам олдим.

Ўзим Кўрғон бахшичилик мактабининг кенжа вакилиман. Юртбошимизнинг оталарча гамжўрлигидан кўнглим тўлиб, дилимга куй иниб, тилимга сўз келиб, бир терма айтдим. Бу терманни бутун юртдошларим билан баҳам кўришни юракка тўйдим.

Ўрнатилган Ўқимат бахши Мусулмонов.

ТАВБА-ТАЗАРРУ ҚИЛ, ЮВИЛСИН ХАТОНГ

(ЎЗ ЙЎЛИДАН АДАШИБ, ДИНИЙ ЭКСТРЕМИСТИК ОҚИМЛАРГА КИРИБ ҚОЛГАН АЙРИМ ЁШЛАРГА)

**Жон болам, берилма эҳтиросларга,
Ҳамтовоқ бўлдингми ё нокасларга,
Ватанини сотан зоти пастларга?
Тавба-тазарру қил, ювилсин хатонг,
Гуноҳингни кечди юртбошинг отанг.**

**Қулоғингда бўлсин бу айтган нолам,
Совун кўпидай кўпирма, болам,
Туз еган тузликка тупурма, болам,
Тавба-тазарру қил, ювилсин хатонг,
Гуноҳингни кечди юртбошинг отанг.**

**Отанга отдингми ўйламай тошини,
Нега тугди онанг сендай бебошини,
Ҳеч қилч кесмаган эгилган бошини,
Тавба-тазарру қил, ювилсин хатонг,
Гуноҳингни кечди юртбошинг отанг.**

**Ватандан айрилсанг гадо бўларсан,
Юртинг ҳижронидан адо бўларсан,
Барча-барчасидан жудо бўларсан,
Тавба-тазарру қил, ювилсин хатонг,
Гуноҳингни кечди юртбошинг отанг.**

**Пандимни эшитсанг айтай тил билан,
Ҳар доим бирга бўлсин, буюк эл билан,
Эл қудрати тенгдир тошқин сел билан,
Тавба-тазарру қил, ювилсин хатонг,
Гуноҳингни кечди юртбошинг отанг.**

■ ХИКМАТ бахши,
Самарқанд вилояти Нуробод тумани

БУ ДУНИНИНГ ИШЛАРИ

Люксембургда Европа Иттифоқи кенгашининг мажлиси бошланди. Унда иттифоққа аъзо мамлакатларнинг Югославияга нисбатан қўлланмаётган жазосини бекор қилиш масаласи кўриломоқда. Ёнинг аксарият аъзолари жазони бекор қилиш учун овоз беражигани маълум қилди.

Белградда намойишчиларнинг тартибсизликлари тўхтамапти. Улар қўлаб давлат муассасалари, савдо шаҳобчалари, жумладан, шаҳар марказидаги «Белград» марказий савдо мажмуини талон-торож қилди. Босқиндан хатто парламент биноси ҳам четда қолмади. У ердан компьютер ва мебеллар ўғирланди.

Голландия ҳукумати Эфиопия чегарага ўз ҳарбийларини жўнатишга тайёрлик билдирди. Хабарларга қараганда, Голландиянинг 800 нафар ҳарбий хизматчиси БМТнинг халқаро кучлари сафига қўшилган ҳолда, тинчликни сақлаш тадбирларида иштирок этади.

Иордания Исроилнинг фаолиятининг қисқаришига эришди. Иорданиянинг Исроилдаги фақуллода ва мухтор элчиси Абдулла ал-Курдийнинг ҳозирги шароитда Тел-Авивга бориши мақсадга мувофиқ эмас.

Шимолий Корея ҳукумати Жанубий Кореянинг келаси йилда ҳарбий мақсадлар учун сарфланган ҳаражатини 6,5 фоиз ошириш ҳақидаги режасини қоралади. Бу икки мамлакат раҳбарлари учрашувида қабул қилинган қўшма декларация ҳамда Кореяни бирлаштириш

Колумбия миллий овозлик армияси (МОА) жангарилари сўнгги икки кун ичда беш нафар журналистни ўғирлаб кетди. Улардан уч нафари Антокия департаменти телевидениеси, қолганлари эса «Диарио» газетаси мухбирларидир. Иёни гурӯҳ вакили Марсела Дураннинг билдиришича, журналистлар МОАнинг фаолиятини нотўғри ёритгани учун шундай жазога лойиқ топилган.

Россия Президенти Владимир Путиннинг Қозғоғистон ва Қирғизистонга сафари бошланди. У ташриф чоғида Марказий Осиёда хавфсизлик масалалари бўйича музокара ўтказиши ва ўн бир ҳужжатга имзо чекиши kutilmoqda.

В.Путиннинг Марказий Осиё давлатларига сафари 11 октябрь кuni нихоҳисга етади.

■ (ЎЗ)

ДАСТУР ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг жорий йил тўққиз ойи якунлари ҳамда «Соғлом авлод» давлат дастури қандай бажарилаётганига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мажмуа таркибига кирувчи ваазирлик, кўмита, уюшма, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари — хотин-қизлар кўмиталари раислари иштирок этди.

Ийгилишни Бош ваазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Д. Гуломов бошқарди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маданий-маърифий ислохотларни чуқурлаштиришга мажмуа таркибига кирувчи идора ва ташкилотлар ҳам муносиб ҳисса қўшаётганини таъкидладилар.

Хусусан, ўтган вақт мобайнида оилаларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш, ёшларни ҳуқуқий, маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар бажарилди. Оилаларда тотувликни сақлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилляпти. Жумладан, қарамоғида ногирон боласи бор

ёки уч ёшгача фарзанди бўлган аёлларнинг оилаларига катта миқдорда моддий ёрдам кўрсатилади.

«Соғлом авлод» давлат дастури доирасида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, туғиш ёшидаги аёлларни тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказиш, уларнинг ўз саломатлигига бўлган маъсулятини оширишга қаратилган тадбирлар изчил бажарилмоқда.

Шу билан бирга, жойларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишлари пайини қирқиш, ёш авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш борасидаги ишларни янада жонлантириш зарурлиги қайд этилди. Балогоат ёшига етган қизлар онгида аёлнинг юксак маънавияти, никоҳнинг муқаддаслиги туйғуларини шакллантириш, улар ўртасида жиноятчилик ҳолатларига чек қўйиш зарур.

■ (ЎЗ)

ЎЗБЕК ДЕХҚОНЧИЛИГИ: КУЗАТУВ, ТАЖРИБА, МАСЛАХАТ

Лалми экин экиб, ундан юқори ҳосил олиш, сўғориладиган экинларга нисбатан оғир кечади. Чунки лалми экиннинг тақдирини кўп ҳолларда табиатга, яъни об-ҳавога боғлиқ бўлади. Шунга қўра деҳқон экин экиш ботида барча юмушларни яхши бажарса-да, баъзан мақсадга эришолмайди.

Хўш, лалми экинлар қандай об-ҳаво шароитида мақсадга мос ҳосил беради? Маълумки, бизнинг ер тузилишимиз паст текисликлар, адир ва қирлар ҳамда пастбаланд тоғликлардан иборат. Демак, биз уч тоифа ерга экин экиб деҳқончилик қиламиз. Қузда бугдой экиб, деб фарз қилайлик. Энди тоғ этагидаги, адирдаги ва паст текисликдаги бугдой эккан ерларимизга бир хилда ишлов, озуқа берилган ҳамда ёмғир мезёнда ёғди, деб тасаввур этамиз ва экинлар ҳосилдорлигини кузатамиз.

Бу ҳолда ҳосилдорлик паст текисликда юқори, адирда ва юқори тоғ этагида эса ўртача бўлади. Экинларнинг пастбаланд ривожланишига сабаб, паст текисликда ҳарорат юқори, адирда мўътадил, тоғ этагида эса паст бўлиши билан ўлчанади.

Шу ўринда, мабодо ёгингарчилик мезёрдан юқори бўлса, қандай ҳол юз бериши мумкин? Паст текисликдаги, адирдаги ва тоғ этагидаги экинларимиз ҳам юқори ҳосил беради. Сабаб, июнь ойининг охири ва июль ойининг бошларида ҳам тоғ этагида ёгингарчилик бўлиб туради. Айни шу даврда тоғ этагида ҳарорат ҳам кўтарилади. Ёгингарчилик билан ҳароратнинг ҳамоҳанглиги экиннинг ривожланишини таъминлайди.

Ёгингарчилик кам бўлган йиллари паст текисликдаги ва тоғ этагидаги экинлари

даврларда тоғ этагида ҳарорат кўтарилади. Ёгингарчилик кўтилганидан кам бўлган йиллари тоғ этагида ҳам июнь ва июль ойлари ёмғир ёғмайди. Ўсув, гул ва дон олиш даври-

орасидаги экинларимизга деярли салбий таъсир этмайди. Аксинча мўътадил ҳарорат экиннинг ўсиши, гуллаши ва донга ўтиришини йўл-йўлакай таъминлаб



МЎЪТАДИЛ ҲАРОРАТЛИ ЭКИНЗОР

Нега шундай? Бунинг сабаби нимада? Маълумки, паст текисликларда тез-тез ёмғир ёғиб турса, экин яхши ривожланади ва мўл ҳосил беради. Акс ҳолда ҳарорат юқори бўлиб, ёмғир ахён-ахёнда ёғса, буғланиш бўлиб, тупроқдан нам қочади ва айтилик, экин гулга ўтирган бўлса, гули тўкилади, донга ўтирган бўлса, дони оч бўлиб, ҳосилдорлик нихоятда паст бўлади. Шундай қилиб, ёгингарчилик мезёрдан паст бўлган йиллари юқорида айтганимиздек, паст текисликларда ҳосилдорлик ҳам паст бўлади.

Тоғ этагида ҳарорат паст бўлса экин ривожланмай, юқори ҳароратни кутиб туради. Шунга қўра, тоғ этагидаги экинларнинг ўсиш даври июнь ойига, гул ва дон олиш даври июль ойининг биринчи ярмига тўғри келади. Чунки шу

да ёмғир кўрмаган тоғ этагидаги экинларимиз шу йили паст текисликдаги экинларимизга нисбатан ҳам паст кўрсаткич беради. Ёгингарчилик мезёрдан паст бўлган йиллари қир-адир орасидаги экинларимиз деҳқонни алдамайдиган даражада яхши ҳосил беради, дедик. Нима учун шундай бўлади? Сабаби нима?

Қир-адир орасида ҳарорат мўътадил бўлади. Шунга қўра, юқори ҳароратли паст текисликда ёмғирдан ҳосил бўлган намлик 10 кунда кўтарилиб кетса-да, қир-адир орасида эса намлик 20 кунгача ўз таъсирини йўқотмайди. Ёгингарчилик кам бўлган йиллари ёмғир ахён-ахёнда, яъни 15-20 кунда ёғди. Бу ҳол, паст текисликдаги экинларимизни саргайтириб ташласа-да, мўътадил ҳароратли қир-адир

боради. Шундай қилиб, ёгингарчилик мезёрдан паст бўлган йиллари қир-адир орасидаги мўътадил ҳароратли экинзорларимиз паст текисликдаги ва тоғ этагидаги экинзорларимизга нисбатан анча юқори кўрсаткич беради. Кексаларимиз сурункали қурғоқчилик келган йиллари ҳам «бизнинг» мана шу адир орасидаги ерларимиз деҳқонни алдамаган», дегувчи эди.

Таърибалар ва кузатишлар асосида мўътадил ҳароратли адирларни топиб, деҳқонга берсақ, ёгингарчилик кам бўлган йиллари ҳам лалмикор экинларнинг мўл-кўл ҳосил беришини таъминлаган бўлардик.

■ Нурилла НОМЗОВ,
Қашқадарё вилояти
Қашқар тумани

ЎЗБЕК ПАЗАНДАЛАРИНИНГ САНЪАТИ



■ Владимир ПАНОВ олган сурат

ОЗОД ЭЛНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ

Истаймизми-истамаймизми кўннинг ўрнини тун, эскининг ўрнини янги эгаллайверди. Бу — ҳаёт қонуни. Чунки, бугуннинг ўрнини эртанги кун олади. Эртанги кун эса бугунги ёш авлоднинг стуқлик ёшидир. Бугун биз мактабларда, коллежларда, университетларда ана шу эртанги кун учун тайёрларлик кўряймиз. Оталаримизнинг ишончини оқлай оламизми? Уларнинг ушаламган орзуларини амалга ошира оламизми? Бу ҳақда ўйлаймиз, фикр юритамиз...

Бизга мамлакат кенг имкониятлар даврини очиб берди. Ўқиниш, ўрганишга... Биз улардан-да «... кучли, билimli, доно ва албатта бахтлироқ...» бўлишимизни истаймиз. Уларнинг биздан кутаётган умидлари олам-олам. Бу елкамиздаги катта масъулиятдир. Хўш, биз ана шу улкан ваазифаларни амалга ошириш учун нима қилишимиз зарур? Аслида шу масъулиятни ҳис қила оламизми? Қайси йўлдан боришимиз лозим? Миллатнинг шарофини ҳимоя қилиш, жаҳон саҳнасига кўтарилиш биз ёшларнинг мана шу кунлардаги фаолиятимиз билан узвий боғлиқ. Биздан жасорат

ва матонат талаб қилинади бунинг учун. Эртанги саодатли кунлар билан баҳамжиҳат яшаш учун ҳар бир инсон ҳаракат қилиши керак.

Бизнинг қалбимизда фахр туйғуси муҳасам. Ахир ўзбекининг фарзанди жаҳон майдоида ўзбекининг орини ҳимоя қилапти. ЎЗБЕК деган ном дунёда борлигини, улар ҳам миллат эканлигини, ўтмиши буюк бўлганлиги, келажаги ҳам буюк бўлишини кўрсатапти. Тенгдошларимиз Японияда, АҚШ-да таҳсил кўришмоқда. Ахир гуруҳаммай бўладими кечагини унутилаётган овоз бугун жаҳон бўйлаб таралаётганидан?! Ёшлар ана шу эзгулик, яхшилик йўлида бирлашиб, ойдинлик юзида доғ бўлмаслиги учун ҳаракат қилиши керак.

Бу бир талабнинг мулоҳазаси ҳолос. Қандай тушунасан, у сизга ҳавола, азиз муштарий. Фақатгина биз овоз элнинг овоз яшашини, ойдинликнинг чарақлашини, миллат кўнгли асрларга таралишини, ЎЗБЕК номи дунё бўйлаб абадий кезишини истаймиз, ҳолос.

■ Аслиддин
АБДУЛАЗИЗ ўғли,
талаба

ЁШЛАР — БУГУННИНГ ДОЛЗАРБ МАВЗУСИ

Биз муқаддас билган туйғунимиз кимлардир тақдорлар бизга ўқитириш шарт эмас. Айниқса, ўтмишда боболаринг улуғлаган гуялар бугун ҳам ўз қадрини топаётган бўлса.

Самарқанд шаҳридаги «Панжоб» масжидида бўлиб ўтган йиғилиш ҳам мана шу мавзуга бағишланди. Муқаддас динимизни нотўғри талқин қилаётганлар, ёшларимизни турли хил зарарли диний оқимларга тортишга уринаётганларга қарши курашиш зарурлиги айтиб ўтилди.

Йиғилишларни қизиқтирган саволларга вилоят бош имоҳатиби Усмонхон Олимов етарлича жавоб берди. Йиғинда вилоят ва шаҳар ҳокимлиги вакиллари, маҳалла фаоллари иштирок этишди.

Ёшлар бугуннинг долзарб мавзусига айланди. Уларнинг қалбига Ватан, миллат, ўлмас қадриятларимизни сингдириш олдимизда турган муқаддас ваазифадир.

Муостақиллик, тинчлик халқимизнинг ёрқин гоёси эканлигини унутмаслигимиз шарт.

■ Фаррух ҲАМРОЕВ

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АҲБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 10 октябрдан бошлаб валютга операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқа тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини қийматини белгилади: /

1 Австралия доллари	161,40	10 Люксембург франки	65,17
1 Австрия шиллинги	19,11	1 Малайзия рингити	79,59
1 Англия фунт стерлинги	437,65	1 Германия маркаси	134,43
10 Бельгия франки	65,17	1 Польша злотийси	66,42
1 Голландия гульдени	119,31	1 СДР	390,43
10 Греция драхмаси	7,75	1000 Туркия лираси	0,45
1 Дания кронаси	35,30	1 Финляндия маркаси	44,22
1 БАА дирхами	82,34	1 Франция франки	40,08
1 АҚШ доллари	302,41	1 Швейцария франки	173,05
1 Миср фунти	82,51	1 ЕВРО	262,92
10 Испания песети	15,80	10 Жанубий Корея вони	2,71
100 Италия лираси	15,58	1 Япония йенаси	27,78
1 Канада доллари	201,19	1 Россия рубли	10,85
1 Хитой юани	36,52	1 Украина гривнаси	55,59

/ Валюта қийми, яни белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.


XXI АСР — АҲБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР АСРИ!

«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» — АҲБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР ТАРАФДОРИ!

«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:

«Ўзбекистон овози»	— 220
«Голос Узбекистана»	— 121
«Осиё бозори»	— 174



Мамлакатимизда Япония маданияти кунлари бошланди. Кунчиқар мамлакатнинг ўзига хос маънавияти, урф-одатлари, бетакрор санъати бор. Хар бир халқнинг салоҳияти маданиятининг юксаклиги билан белгиланади. Дунёда энг ривожланган давлатлардан бири ҳисобланган Япония наинки маданият, балки иқтисодий масалаларда ҳам яқин кўмакчи, санъатимизни юксалтиришда, янги технология билан таъминлашда, халқро аэропортлар қурилишида ўзининг улкан инвестицияси билан иштирок этиб келаёти.

Япония маданияти кунлари пойтахтимизнинг энг нуфузли масканларидан ҳисобланмиш Давлат санъат музейида, А. Навоий номи театр биносидида, Миллий матбуот марказида ҳамда Киночилар уйида бўлиб ўтди. Ушбу тадбир 6 октябрдан 30 октябргача давом этиб, унда «Фугаку Тайко» номили барабанчилар гуруҳи ижро этилган япон мусиқасидан халқимиз баҳраманд бўлади. «Аббос» гуруҳи доирачилари билан барабанчиларнинг биргаликда чиқишлари икки мамлакат санъатида уйғунлик борлигидан нишона бўлади. Аънаёна айланган япон кўғирчоқлари намойиши барчада қизиқиш уйғотиши кутилмоқда. Чунки, император саройининг Эдо, Хейан кўғирчоқлари ҳамда Кабуки театри кўғирчоқлари намойиши бўлиб ўтди.

Акиро Курасава ҳақида юртдошларимиз маълумотларга эга. У ишлаган фильмлар юртимизда бир неча бор кўрсатилган. Октябрнинг 13, 14, 15, 20, 21, 22 кунлари пойтахт

аҳолиси ва вилоятларимиз меҳнатқашлари япон бадий фильмлари ҳамда мультфильмларини тамоша қилишлари мумкин. Мақрур фильмлар намойишига қизиқувчи фуқароларга яна бир қулайлик томони

нов асри, юксалишлар асри бўлди десақ, хато қилмаймиз. Чунки, Япония дахшати урушлар силсиласидан омон чиқди. Асримизнинг энг тараққий этган мамлакатига айланди. Компьютер соҳасида, машинасоз-

Японияда яна бир ўзига хос, бошқа мамлакатларда учрамайдиган санъат борки, бу ҳам бўлса, ниқоб театридир. Маданият кунлари давомида Но ниқоб театри плакатларининг кўргазмаси очилиши кутилмоқ-

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАХОН

АБАДИЙ ДЎСТЛИК САРИ



тақлифномалар бепул тарқатилмоқда. Олти кун давомида кунга уч бора қўйилган олтита фильм замонавий япон ҳаётидан хикоя қилади. Улкан уммон қирғоғида жойлашган яшил ўлка азал-азалдан дунё халқлари эътиборини ўзига жалб этиб келади. Айниқса, йигирманчи аср Япония учун си-

лиқда ўзига хос, бетакрор ютуқларга эришди. У ерда ишлаб чиқарилган техникаларнинг қадрли мамлакатимизда юксак баҳоланади. Япония билан ҳамкорлик қилиш келажакда буюк давлатимизга ҳам манфаат келтиради. Ишончли ҳамкорга эга бўлишни ҳар қандай давлат оруз қилади.

да. Қолаверса, япон ошхонаси, бетакрор таом истеъмол қилиш тартибига қизиқувчилар учун алоҳида кўргазмали таом тайёрлаш, яъни кунчиқар мамлакатнинг «Якитори» (кабоб), «Якисоба» (қовурилган макарон) таомларидан татиб қўриш имконияти мавжуд.

Шунингдек, маданият кунлари дастурига илмий-амалий семинарлар ҳам киритилган бўлиб, унда Хосэй университет профессорлари жанаб Хасимото ва Хитоцубаси университет профессорлари жанаб Католарнинг келиши кутилмоқда. Хасимото Япония иқтисодийнинг бугунги босқичи ҳақида сўзласа, Като урушдан кейинги Япония олиб борган сиёсат ҳақида тўхталади.

Тадбир давомида иштирокчилар бир пиёла чой устида ҳамда япон миллий мусиқа асбоби КОТодан тараладиган куйлардан ҳам баҳраманд бўлишади.

Юсуф ЖўРАЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

КАРИМ ШОНИЁЗОВИЧ ШОНИЁЗОВ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтининг етакчи ходими, тарих фанлари доктори, академик Карим Шониёзович Шониёзов оғир касалликдан сўнг 76 ёшида вафот этди.




Этнография фанининг зукко билимдони, этнонимлар тарихи ва урф-одатлар тизимининг йирик тадқиқотчиси К.Шониёзов 1924 йилда Қашқадарё вилояти Муборак туманидаги Қарлуқ қишлоғида туғилди. У 1952 йил Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг тарих факультетини тамомлаб, Тарих ва археология институтини аспирантурасида тахсил олди, 1960 йилда номзодлик, 1975 йили докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

К.Шониёзов 1967 йилдан Тарих институти этнография бўлими мудири бўлиб ишлади. 1990 йилдан то умрининг охиригача этник жароён ва ўзбек халқининг шаклланишини ўрганишчи илмий тадқиқот гуруҳига раҳбарлик қилди. Захматқаш олим ўзининг илмий фаолияти давомида ўзбек этнографиясининг энг долзарб масалаларини тадқиқ этиб, тарих фани ривожига салмоқли ҳисса қўшди. У икки юздан ортиқ илмий мақола, йирик монография ва рисолалар муаллифи. Унинг асарлари илмий жамоатчилик ўртасида эътибор қозонган. Айрим мақолалари АҚШ, Франция, Ҳиндистон, Россия, Украина, Арманистон каби хорижий мамлакатларда босилиб чиққан.

К.Шониёзов ўзбек миллий қомуси учун икки юздан ортиқ мақола ёзиб, бу ишда фаол қатнашди. У Тарих институти томонидан тайёрланган «Ўзбекистон тарихининг III-IV жиллари учун ёзилган ўзбек халқининг ҳаётига оид ёлбар муаллифи ҳамдир. Академик К.Шониёзов тажрибали ва талабчан мураббий-устоз ҳам эди. Унинг бевосита раҳбарлиги остида этногенез, этник тарих ҳақида этнография соҳасида 10 дан ортиқ ёш мутахассислар илмий тадқиқот олиб борди.

К.Шониёзов Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, унинг илм-фан ривожига йўлдоғи хизматлари бир қатор орден ва медаллар билан таъкирланган. Ажойиб инсон, етуқ олим, меҳрибон устоз академик Карим Шониёзовнинг парлоқ хотираси ҳамкасблари, дўстлари ва шогирдлари қалбиди абадий сақланади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси,
Ўзбекистон Фан ва техника давлат қўмитаси




АВТОМОБИЛЛАР НОСОЗЛИГИ УЧУН

Йирик автомобилсозлик корхоналаридан бири бўлимиш Швециянинг «Вольво» концерни бултур ва шу йил ишлаб чиқарилган S80 русумли 116 мингта автомобилни шу кунларда эгаларидан қайтариб олмақчи. Бунга сабаб машиналар олдидаги илгари олд мости ва шарсимон таянчда айрим нуқсонлар билан чиқариб юборилганидир. Концерн вакилларининг айтишича, бу нуқсонлар кўпмақ биланмайдан ва сезилмайдан ҳам. Аммо сиратсиз йўлларда узоқ юрса билиниб қолади. Бу эса концерн шайнига пугур етказиши мумкин.



ЧОЙ ВА ШОКОЛАД АРАЛАШМАСИ

Даниялик олимлар яна бир янгилик яратди. Яъни чой билан шоколад аралашмасининг фойдасини илмий таҳлил этишди. Аниқланишича, чой ва шоколад бирикмаси юрак-томир ҳамда саратон касаллигига мойил булган кишилар учун жуда фойдали экан. Маълумки, қора чойда антиоксид моддалар мавжуд. Шоколада эса бу моддалар чойдагига қараганда 4 баравар кўп.



Олимларнинг таъкидлашларича, ҳар кунги шоколад билан чой ичиш кишига нафақат лаззат баълашлайди, балки фойдали ҳамдир. Чунки шоколад фақат чойдагина табиий парчланади. Бошқа ичимликлар эса бунга қодир эмас.

«КЎРМАГАНИМ ҚОЛМАДИ»

Бу дунёда узоқ яшаганидан кейин кўрмаган кунинг қолмас экан, дейди сиднейлик қария Жон Мальнес. Ҳақиқатан ҳам бу бечора не кунларни кўрмади-я. Янаим жони қаттиқ экан. Бир қанча фожиадан омон чиқди. Яъни икки марта илон заҳарлади, уч марта автомобиль остида қолди, тўрт марта мотоцикл етти марта велосипед босиб кетди. Ҳайриятки, барчасида тирик қолди ва тақдир зарбаларига бардош бериб, бугунги кунда у юз ёшга кирди.



— Энди тақдир «қазил»ларидан ўзини асрашим керак, ахир қариб қолдим. — дейди Мальнес.

КЎРСАТМАГА МУВОФИҚ

Яқинда Флорида шаҳри аэропортига бир моторли олти кишилик самолёт унинг йўловчиси томонидан муваффақиятли қўндирилди. Гап шундаки, самолёт парвоздагида 36 ёшли учувчи Кристофер Пирс штурвални бошқара туриб, юрак хуружидан вафот этди. Бахтга қарши самолёт салонига Генри Анхалт исмли йўловчи бор эди. Холос. У эса самолёт бошқаришни умуман билмасди. Нима қилиш керак? Яхшилик радиосигнал орқали ёрдам сурашга ақли етди. Ва омади бор экан, бу сигналга синов парвозларини ўтаётган икки учувчи дарҳол жавоб берди. Яъни самолётни қўндай аэропортга қандай бошқариб бориш, қўндириш учун эса нима қилиш кераклигини сигнал орқали тушунтиришди. Ҳайриятки, 30 қаққадан сўнг Анхалт самолётни муваффақиятли қўндирди. Тўғри, самолёт сакраб, учиш-қўниш майдончасига урилиб кетди ва бироз шикастланди ҳам. лекин бу фожиа эмас, албатта.



БИР ЙЎЛА САККИЗТА

Дунё асли шов-шувга сероб. Мантаник олим қараганда шу тобинг ўзида оланинг қайсида бурчида шов-шувли яна нимадир содир бўлди. Бироздан кейин яна ва бу давом этаверади. Тўхтамайди. Зеро, бу ҳаётнинг давомийлигини тақозо этади.



Яқинда Италияда фаройиб воқеа юз берди: Маризелла Маргарита исмли аёл бир йўла саккиз эпизакни дунёга келтирди. Қандай қилиб дейсизми? Бунга бугунги илм-фанимиз, албатта, жавоб топади. Фақат бироз вақт керак, яъни аёл генларини илмий ўрганиш учун. Қисқаси, чақалоқнинг икки нафари табиий равишда туғилди. Қолганларини эса жарроҳлик йўли билан олишга тўғри келди. Аммо охириги чақалоқнинг ҳаётини сақлаб қолишга широкорлар ожизлик қилишди. На илож, тақдир экан.

«МАМЛАКАТ МАРКАЗИ» ҚУРИЛДИ

Бугунги кунда Хитой девори бутун дунёга машхур. Уни хитойликларнинг аждодлари қурганилигини барчага биланмиш. Мамлакатнинг бугунги авлоди ҳам ўзига хос қурилишни амалга оширдилар. Яъни Хитой осмону фалагининг географик қоқ ўртасини аниқлаб, ўша жойга ултувор ёдгорлик бунёд этилди. «Мамлакат маркази» дея ном олган бу ёдгорлик шимол-ғарбий Ганьсу вилоятдаги тикланди. Иншоот 56 та баҳайбат устундан иборат бўлиб, бу ХХРда яшайдиган миллиятлар сонига тенгдир. Ёдгорлик пойдеворида Хитой харитаси асос қилиб олинган. У 96 квадрат метр майдонни эгаллаган. (Эътибор беринг, ХХР майдони 9,6 миллион квадрат метр).

Эндиликда бу иншоот мамлакатнинг архитектуравий дурдонаси ҳисобланиб, сайёҳлар қадами аримайдиган жойга айланиши турган гап, дел умид болмақда Хитой маъмурияти.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВАТАНПАРВАРЛИКНИ ШАКЛАНТИРАДИ

Бугун ҳар бир ватандошларимизнинг фикри-хаёли «Ўз уйинини ўзинг асра» шиорига қаратилган. Яқинда «Ўзбекистонда виждон эркинлиги масалалари ва диний экстремизмга қарши чора-тадбирлар» мавзусидаги Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашида бўлиб ўтган семинарда ҳам юқоридидаги масалага алоҳида эътибор берилди.

Унда жойлардаги ҳар бир маҳалла, гузарда хушёрликни ошириш, демократик қонунчилик меъёрлари асосида иш олиб бориш борасида Тошкент шаҳар имоҳатиби Анвар хожи, Тошкент шаҳар прокурорининг ўринбосари Мурод Солиҳов, исломшунос олим Сарвар Абдуллаевлар фикр-мулоҳазаларини баён этди ҳамда тулпанганларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Сўзга чиққанлар Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби Латиф Фуломов ва бошқа нотиклар бугунги кунда жамиятга, ватанпарварликка фойда келтирмайдиган, аксинча, қонунларга зид руҳда пайдо бўлаётган, диний ниқоб қилиб олган оқимлар тасвирига тушиб қолмаслик борасида тўхталдилар. Ешларни замонавий билимга, мустақил дунёқарашга эга бўлган,

илгор миллий ва умуминсоний кадрларга йўғрилган таълим-тарбияни синдириш асосий вазифа эканлиги ўқтирилди. Бу жараёнда, маҳалла ва оила ўртасида, таълим муассасалари ўртасида уйғунликда иш олиб бориш, маънавий-маърифий тарбияни янада қулайтириш, айниқса, катта аҳамият касб этажаклиги кўрсатиб ўтилди. Семинарда Ўзбекистонда дунёвий-демократик жамият қуришда энг аввало партия фаоллари олдинда боришлиги, бу билан дунёда глобаллашув жараёни кечаётган ҳозирги мураккаб шароитда вужудга келаятган диний экстремизм балосига йўлиқтирмай ёшларимизни асрашимиз, шундан уларнинг онгига ватанпарварлик гояларини синдиришимиз осон кечиши баралла айтилди.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири



Пойтахтимиздаги «Ше-ратон Тошкент» меҳмонхонасида бошланган Тошкент шаҳар пазандлик ва қандолатчилик кўрик-танлови «Навруз» ресторанида ақуллади. Байрамона тадбирда ўнлаб ёш пазанда ва қандолатчилар турли пишириқлар, егуликлар, таомлар ва ширинликларни тайёрлаш бўйича ўз санъатларини намойиш этидилар. Тўғрили ва сабзавотли таомлар, турли ҳўл мевва-сабзавот ва полиз ҳосилларидан ясалган нафис кўринишдаги тайёрланмалар талабчан ҳайрат-алъозлариди катта қизиқиш уйғотди. Еш пазанда ва қандолатчиларнинг зўр бериб ҳарвақат қилишганининг боиси муқофотга «Нексия» ва «Тикко» енгил машиналари қўйилган эди-да.

Сурадта: тадбирдан лавҳалар.
Владимир ПАНОВ
олган суратлар

«ОБУНА-2001» «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — БИЗНИНГ ГАЗЕТА

ЎзХДП бош наشري бўлган «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари мамлакатимиздаги нуфузли матбуот нашрларидан ҳисобланади. Унинг ҳар бир сонини интизорлик билан кутамиз. Умид қиламизки, 2001 йилда ушбу нашр саноқларидида партияимизнинг кўп қиррали фаолияти ёритилган қизиқарли мақолаларга янада кўпроқ ўрин берилди ва улар биз учун сува ва ҳаводай зарур ҳамда фойдали бўлади.

Юқоридилардан келиб чиққан ҳолда вилотимизда 2001 йил учун «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига обунани ташкил этишга алоҳида аҳамият берялмиш. Мавжуд 800 та бошланғич ташкилотимизнинг ҳар бири ўрта ҳисобда 2 тадан «Ўзбекистон овози» ҳамда 1 тадан «Голос Узбекистана» газеталарига обуна бўлишни мўлжаллаб турибмиш. Шунда вилотимиз бўйича 1600 та «Ўзбекистон овози» ҳамда 800 та «Голос Узбекистана» газеталарини партиядошларимиз йил бўйи олиб ўқиб имконига эга бўладилар.

Мамадуқул ИММОВ,
Ўзбекистон ХДП
Жиззах вилот кенгаши
биринчи котиби

Хоразм вилотининг Богот туманида бир фабрика бўларди. Ун беш йилча муқаддам — шўро замоналарида қурилган. Аммо, ҳеч бир замонда ёлчибтиб ишлаган. Ҳамма вақт ишлаб чиқариш режалари аро йўлда қолишига бир сабаб гапириларди — хомашё йўқ! Бўзчи белбоққа ёлчимайди, деб шунни айтадилар.

Ростини ёзавериш керак, мустақилликдан сўнг ҳам тўқимачилик фабрикасининг иши ўнганлиб кетмади. Бунга дастгоҳларнинг эскириб қолганини баҳона қилишди. Яна — хомашёни...


Аслида ҳамма айб — эскирдан мерос боқимандалик хасталигидан қутула олмаганимизда. «Олма пиш, оғзимга га туш» деб қутиб ўтирадиган замон эмас-да!

Исботи керакми? Мана: йил бошида «Богот тўқувчи» ҳиссадорлик жамияти (қайсида йилли мулкчиликнинг янгиша шаклига ўтиб иш бошлагани ҳам корхонани қолоқликдан чиқара олмаган) ҳамкорлардан нақд 35 миллион сўм қарздор эди. 290 нафар (ўтган йилларда иш йўқлиги, маошларнинг бештаинилгидан бўшаб кетганлар қанча?!) ишчининг мажбурий таътилга чиқарилгани, оз-оз ишчи кучи билан оғайга 100 минг погон метр хомсурп тўқушадиган ҳлатда даманията Шавкат Собиров раҳбарлиқда тайинланди. «Иқтисодий тангликни бартароф қилиш учун сиздек урдабурон киши керак!» деб яна қўшиб қўйишди. Аслида,

«иқтисодий танглик» эмас, «банкрот» дейишса, тўғрироқ бўларди... Шавкат Собиров муқаддам қатор корхона-ташкilotларда ишлаган, вилот микросида ҳам фаолият кўрсатиб, анча тилга тушиб қолган тадбиркор раҳбарлар сирасида. У киши ишни хомашё масаласини ҳал қилишдан бошлади. Пойтахт-

га яқинлаб қолди. Кейинчалик... Гапни қўзиб ўтиришга не хожат! Утган олти ойда ҳиссадорлар режадаги бир миллион 441 минг погон метр ўрнича бир миллион 505 минг погон метр хомсурп тўқиб, салкам тўрт миллион сўм соф фойда олишга эришдилар. Июль ойи режаси 140 фоизга

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ



ва полиз маҳсулотлари етиштирилганидан иссиқ овқатнинг бир қисм масаллиги ўзларидан чиқяпти. Бу йил бугундан бўшаган далаларга ҳиссадорлар шои қўнати ўтқазишди. Ҳўжалик билан келишилан ҳолда. Энди иссиқ овқатнинг асосий қисми — гуруч ҳам ўзларидан чиқадиған бўляпти. Нима эвазидан? Ишчиларда ўз касбига бўлган эътибор, меҳнатдан манфаатдорлик, эгаллик ҳуқуқи ҳиссиёти шакллантирилди. Бунга осонликча эришилгани йўқ. Бугун тўқувчилар корхонага ўз уйидек кўтаринки руҳда келишяпти. Ахир бутун рўзгор қозонини қайнатиш замини бўлган даргоҳга бошқача назар билан қараш мумкинми? Ун беш йил муқаддам қурилган ва бирор марта таъмирланмаган корхона биноси ростин ярим авария ҳолатига қайлашиб қолганди. Уни тўла таъмирлаш учун бир неча оз миллион сўмлик маблаг зарур бўларди. Янги раҳбар корхона қошида қурувчилар бригадаси тўзиб, бутун ишни ўз имконлари, маблаглари даражасида бажаришга киришди. Корхона биносига сон кириб қолди. Корхона қошида мебель цехи ишга туширилди. Бу ерда тайёрланган бежирим мебель маҳсулотлари хозирдаёқ харидорлар бўлиб қолган. Яна қанча қўли гул уста-дурдгор иш билан таъмин қилинганини айтиш.

Исчиларга бепул иссиқ овқат берилаяпти. Бу мақсадлар учун ўтган фурсатда салкам икки миллион сўм сарфланди. Ёки илгорларга бир миллион сўмдан зиёд муқофот пуллари тарқатилди. Нима эвазидан? Ишлаб чиқариш ўз изига тушиб кетганидан. Корхона ҳовлисида ташландиқ ётган бир гектар майдон ўзлаштирилиб, сабза-

БАНКРОТ... БАЙРАМГА АЙЛАНДИ

БУНГА ИШОНМАСАНГИЗ, УШБУ ХИКОЯМИЗНИ ЎКИНГ

даги масъул идораларга қатнади. «Бухоротекистл»нинг идораси йўлақларини қатнайвериб, пошнаси билан сирпанчиқ қилди, деса лоф эмас. Хомашё масаласини ҳал қилди. Текинга эмас — ҳар икки томонлама манфаатдорлик эвазига. Кейин масъулиятсизликдан, қаровсизликдан ташиб кетилган, фақат номи қолган дастгоҳларни тузатириди. Ишчи-хизматчиларга қўлай иш шароити яратишга киришди. Қарабсизки, дастлабки иш бошлаган март ойдаёқ ишлаб чиқариш режаси мўлжал-

уддаланди. Ёки ўтган олти ойда маҳсулот ишлаб чиқариш тўрт мартага ошди. Рақамларни кўя тўрайлик. Махжубури таътилдаги 290 ишчи доимий, тўла иш билан таъминланди. Янгидан 126 нафар одам ишга қабул қилинди.

Январь ойида чала ярим ишлагётган корхонада бир неча ўн ишчига ўртача беш минг сўм атрофида маош тўлашган. Ундаям маошларни кечиктиб бериши ҳолати одат тусига айланганди. Ҳозирда ишлаб чиқариш режасини ошириб урда-лаётган тўқувчиларга ҳатто


СЕНАРА 10

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Афборот»... 8.35 ТВ-маркет... 8.40 Марказий газеталар шари...

РЖТ 6.30-8.00 ВДИНЕСИ... 14.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Афборот»... 8.35 ТВ-маркет...

«У ким? Бу нима?», «Мульттомоша»... 9.50 «Муслик лахзалар»... 10.00 «Давр» интервью...

8.40 Марказий газеталар шари... 8.55 «Симфоник куйлар ошисида» Муслик дастур...



8.10 «Омад» тележурнали... 8.40 «Рамаяна» 73-қисм... 9.15-9.40 «Поитхат»...

19.50 «Олтин мерос»... 20.00 «Асп қиёфаси»... 20.20 «Муслик лахзалар»...

10.55 «Бахтимизга омон бўлиш»... 11.15 «Шу Ватанга бордур меннинг қирагим»...

10.30 «Экран зийнати ва киймати»... 10.55 «Биргаликда куйлайми»...

14.05 «Ешлар овози»... 14.25 Футбол бўйича Осиё кубоги... 14.45 «Шарҳнома»...

8.55 Кўрсатувлар дастури... 9.00 «Давр»... 9.15 «Янги авлод» студияси...

9.00 Дастурнинг очилиши... 9.05 «Телехамкор»... 9.30 Боллар канали...

7.30 «Поитхат»... 7.55 «Экспресс» телегазета-си... 8.10 «Омад» тележурнали...

8.55 Кўрсатувлар дастури... 9.00 «Давр»... 9.15 «Янги авлод» студияси...

9.00 Дастурнинг очилиши... 9.05 «Телехамкор»... 9.30 Боллар канали...

8.00 «Давр тоғи»... 8.15 «Кўрсатувлар дастури»... 8.30 «Янги авлод» студияси...

8.00 «Давр тоғи»... 8.15 «Кўрсатувлар дастури»... 8.30 «Янги авлод» студияси...

8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Афборот»... 8.35 «Камалак»...

9.00 Кўрсатувлар тартиби... 9.05 «Тонг» дастури... 9.15 «Янги авлод» студияси...

7.30 «Поитхат»... 7.55 «Экспресс» телегазета-си... 8.10 «Омад» тележурнали...

8.55 Кўрсатувлар дастури... 9.00 «Давр»... 9.15 «Янги авлод» студияси...

9.00 Дастурнинг очилиши... 9.05 «Телехамкор»... 9.30 Боллар канали...

8.55 Кўрсатувлар дастури... 9.00 «Давр»... 9.15 «Янги авлод» студияси...

8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Афборот»... 8.35 «Камалак»...

8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Афборот»... 8.35 «Камалак»...

8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Афборот»... 8.35 «Камалак»...

8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Афборот»... 8.35 «Камалак»...

8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Афборот»... 8.35 «Камалак»...

ИНФОРМАЦИЯ О ПРОВЕДЕНИИ ВНЕОЧЕРЕДНОГО ОБЩЕГО СОБРАНИЯ АКЦИОНЕРОВ

Наименование общества - ААПХ «Ташкентхлебпродукт»... Место нахождения общества - г. Ташкент, ул. М.Ашрафи, 106...

Ташкент шаҳар Мировобод тумани ДСИдан рўйхатдан ўтган «Викор Н» МҲЖ, «Китоб» фирмаси, «УФК» ИЧФ ва «ОКП-Сервис» хусусий фирмалари Ташкент шаҳар Ҳўжалиқ сундиғин қарори билан «Банкорт» деб тан олинди...

Ташкент шаҳар Мировобод тумани ДСИдан рўйхатдан ўтган «Викор Н» МҲЖ, «Китоб» фирмаси, «УФК» ИЧФ ва «ОКП-Сервис» хусусий фирмалари Ташкент шаҳар Ҳўжалиқ сундиғин қарори билан «Банкорт» деб тан олинди...

Ташкент шаҳар Мировобод тумани ДСИдан рўйхатдан ўтган «Викор Н» МҲЖ, «Китоб» фирмаси, «УФК» ИЧФ ва «ОКП-Сервис» хусусий фирмалари Ташкент шаҳар Ҳўжалиқ сундиғин қарори билан «Банкорт» деб тан олинди...

Ташкент шаҳар Мировобод тумани ДСИдан рўйхатдан ўтган «Викор Н» МҲЖ, «Китоб» фирмаси, «УФК» ИЧФ ва «ОКП-Сервис» хусусий фирмалари Ташкент шаҳар Ҳўжалиқ сундиғин қарори билан «Банкорт» деб тан олинди...

Ташкент шаҳар Мировобод тумани ДСИдан рўйхатдан ўтган «Викор Н» МҲЖ, «Китоб» фирмаси, «УФК» ИЧФ ва «ОКП-Сервис» хусусий фирмалари Ташкент шаҳар Ҳўжалиқ сундиғин қарори билан «Банкорт» деб тан олинди...

Ташкент шаҳар Мировобод тумани ДСИдан рўйхатдан ўтган «Викор Н» МҲЖ, «Китоб» фирмаси, «УФК» ИЧФ ва «ОКП-Сервис» хусусий фирмалари Ташкент шаҳар Ҳўжалиқ сундиғин қарори билан «Банкорт» деб тан олинди...

Ташкент шаҳар Мировобод тумани ДСИдан рўйхатдан ўтган «Викор Н» МҲЖ, «Китоб» фирмаси, «УФК» ИЧФ ва «ОКП-Сервис» хусусий фирмалари Ташкент шаҳар Ҳўжалиқ сундиғин қарори билан «Банкорт» деб тан олинди...

Ташкент шаҳар Мировобод тумани ДСИдан рўйхатдан ўтган «Викор Н» МҲЖ, «Китоб» фирмаси, «УФК» ИЧФ ва «ОКП-Сервис» хусусий фирмалари Ташкент шаҳар Ҳўжалиқ сундиғин қарори билан «Банкорт» деб тан олинди...

СПОРТ

ХАЛҚАРО МАЙДОНЛАРДА

ЎЗБЕГИМ КУРАШИ ХАЛОЛ. Буюк Британиянинг Бедфорд шахрида кураш бўйича ўтказилган «Ислам Каримов» турнири кўтаринки ва байрамона тус олди.

Хўжаев, Бахром Эрматов, Феруза Хайметовалар голиблик сулласига кўтарилди. Шерали Буронов иккинчи, Шокиржон Кўчқоров эса учинчи ўринларни эгаллашди.

ОСИЁ ФУТБОЛ ЧЕМПИОНАТИ. Яна бир кундан кейин «Ливан-2000» учрашувлари бошланади. Терма жамоамиз ана шу сафар олдидан сўнгги ўртоқлик учрашувини Туркменистон футболчилари билан ўтказиб (3:0), галаба қозонди.

ХАЛҚАРО ТЕННИС. Қаршида катта теннис —

РАЙХОНМИСИЗ, ЖАМБИЛМИСИЗ?



МАҚОЛЛАР ПАЙРОВИ

Бўрибой: — Эрматжон! Шу кунларда ишққмас, танбал бўлиб қолдингиз. Эки бирор касалликка мубтало бўдингизми? Хафа бўлмайсиз, бироз танкид қилганман учун. Ахир, «Дўст ачитиб, душман қуддириб гапирди».

Эрмат: — Гапингизда жон бор. Сизга қўшиладим-у, дангасалигим тутиб қолади. «Қозонга яқин юрсанг, қораси юқар», деб шунга айтадилар-да!

КИМ? ҚАЧОН?

- 10 ОКТАБРЬ Алексей ГЛУШЕНКО (1934) — академик. Мухаммаджон ҚУЧҚОРОВ (1966) — Қўқон мусикали драма театри актери. Маждид САДАДОВ (1921) — ёзувчи. Хайит ОРИТҚИЗОВА — шоира. Комилла УРИНБОЕВА — «Тановор» ракс театри раксосиси.

ТАБРИКЛАЙМИЗ. КУТЛАЙМИЗ! ??? 133-12-56 !!! КЎНГИРОҚЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ.

ЎЙ БЕКАЛИГИГА ДИПЛОМ

Польшанинг Турковица шахридаги қишлоқ хўжалик техникумида ўй бекалиги йўналиши бўйича алоҳида факультет очилиб, фаолият курсатаётганига икки йил бўлди.

«Фьючерс» халқаро турнири ўтказилди. Бир неча кун давом этган қизиқарли бахорда Франция, Россия, Беларусь каби ўнлаб мамлакатлардан келган моҳир кичик тўп усталари маҳорат кўрсатдилар.

Эрмат: — Ие, ҳали сиз кимга ўхшатайсиз. «Ўзингни эр биланг, ўзгани шер бил».

Бўрибой: — Шунақа денг-а. «Суймаганга суйкалма», деган гаплар ҳам бор, ошна. Биалишимча, шу пайтга қадар мени дўст ўрнида кўрмаганга ўхшайсиз. Бўлмаса, тўғри гапни чўрт кесармидингиз.

Эрмат: — Аслида унчалик эмас. Сизни яхши кўраман. Лекин бола-чақангиз ризқини қийиб, топган пулингизга ароқ ичишингиз эҳмайди менга. Ахир «Ичкилик — илат»-ку!

Бўрибой: — «Эр-хотиннинг ўртасига эси кетган тушади». Рўзгорни бут қийиб қўяман. «Отдан тушсангиз ҳам эгардан тушмаганингизга» ҳайронман.

Эрмат: — Сизга ачинаман-да, неча бор айтдим катталардан иш ўргангиз деб. Зеро, «Қари билганини пари билмайди».

Бўрибой: — Тўғри, «Зар қадрини заргар биллади». Ҳали ҳам қадрингизга ўзим етаман-да, ошна!

Эрмат: — «Кийимнинг янгииси, дўстингиз эскиси яхши», деб бекорга айтмаганлар, ахир.

Бўрибой: — Шундай экан, кейинг бундан буён яна ҳам аҳли бўлайлик. Айтдилар-ку: «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар», деб.

Эрмат: — Балли! Қўлни ташлаанг: «Йигит сўздан, арслон изидан қайтмас».

■ Абдулла ТОЛИПОВ

ИБРАТ ХИКОЯТ

Кулардан бир кунини бир йигит Кабаба зинратини оруз қилди. Онаси унга ижозат берди. Онаси дуо қилиб деди: — Илоҳим, фарзандимни сенга топширдим, саломат ўзинга қайтар.

— Мен биббонда Худойи таолога ибодат қилурман, бу от билан қилчини Худойи таоло берган. Биббонда бирор воқеа юз берса, отим нотин бўлади. Бугун ҳам шундай ҳолатта тушди. Бу беҳикмат бўлмаса керак, деб ўйладим.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

«СУРАТГА ТУШИРИШ ҲАМ ИЖОД»



Ижодкор — гўзал ва нафис туйғулар ижроси. Нозик ва кўринмас руҳий ҳолатлар билан сўзлаша оладиган нодир қобилият эгаси. Энг муҳими, у юйибдон кўнгил мулкига ҳуждор бўлгучи ва асир этгучидир. Унинг ижод гулшанида сайр этиши эса мангуликка имкон излашдир.

— Шомурод ака, болалик тақдорингиз хотираларга бой давр. Бу даврни соғиниб, кўмсаб яшаймиз. Ҳозир гарчи хаёлан бўлса-да болалик сўқмоқларига назар ташласак.

— Ижодкорнинг бахти ўз йўлига, ўз ўқувчисига эга бўлишидир. Бироқ бунинг учун кўп меҳнат машаққатларидан ўтиш керак. Айтинг-чи, ана шундай дамларда сизга қиммат қўймасангиз?

Хўжаев каби таниқли фотожурналистлардан ҳам кўп нарсаси ўргандим. Суратга туширишни ижод, деб билман. Бировга тақлид қилиб, суратга туширишни ўзимга эл кўрмайман.

«ОБУНАЛОТО» — 2001 «ОБУНАЛОТО» ЎЙНИ ТАРТИБИ

Муштарий газетда чоп этилган чиптани қайчи билан қирқиб олади ва ундаги 12 ой рақамлари тағидига 12 бўш катакка биттадан (бир хонали) рақам ёзиб чиқади. Сўнгра яшаш, ишлаш ёки ўқш жойини, исми ва фамилиясини аниқ-равшан ёзиб, почта алоқа бўлимига ёки жамоатчи матбуот таркатувчиларига топширади.

Subscription form for 'Obunaloto' newspaper, including fields for name, address, and subscription details.

Subscription form for 'Obunaloto' newspaper, including fields for name, address, and subscription details.

Subscription form for 'Obunaloto' newspaper, including fields for name, address, and subscription details.

Advertisement for 'Obunaloto' newspaper, highlighting its benefits and subscription information.

Advertisement for 'Obunaloto' newspaper, featuring the name of the publisher and contact information.

Advertisement for 'Obunaloto' newspaper, featuring the name of the publisher and contact information.

Advertisement for 'Obunaloto' newspaper, featuring the name of the publisher and contact information.

Advertisement for 'Obunaloto' newspaper, featuring the name of the publisher and contact information.

Advertisement for 'Obunaloto' newspaper, featuring the name of the publisher and contact information.